

МАВЗУ: КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР ВА МАЗКУР
ЖИНОЯТЛАР
УЧУН ТАЙИНЛАНАДИГАН ЖАЗО ТУРЛАРИ

Арипов Тимур Усанович

Жиноят ишлари бўйича

Китоб тумани судининг тергов судьяси

Аннотация: Тадқиқот коррупцияга оид жиноятлар тушунчаси ва ушбу жиноятларни содир этган шахсларга тайинланадиган жазо турларига бағишланган. Коррупцияга оид жиноятлар қайси норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: коррупцияга оид жиноятлар, жазо турлари, Жиноят кодекси

Бугунги кунда коррупция дунё давлатларининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий жиҳатдан ва ҳар тарафлама ривожланишига тўсиқ бўлиб келаётган омиллардан бири ҳисобланиб келинмоқда.

Коррупция – бу жамиятни турли йўллар билан исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. Мазкур иллат демократия ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб беради.

Давлатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб коррупцияга қарши курашиш фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, ривожланган хорижий давлатларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги тажрибаларини

ўрганиш, коррупциянинг олдини олишга қаратилган самарали механизмларини яратиш ва коррупцияга қарши курашиш фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш давлат сиёсатининг йўналиши сифатида белгилаб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь кунги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида коррупциявий омилларнинг олдини олиш бўйича аниқ механизмларни ишлаб чиқиш, давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятда очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш масалалари белгиланган мақсадларда кўзда тутилиб, шу билан бирга “Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш” алоҳида мақсад қилиб белгиланиб, унда коррупцияга қарши курашишга замонавий ахборот, шу жумладан сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини олиб боришни қўллаб-қувватлаш, коррупцияга қарши курашиш амалиётида тизимли превентив чораларни кучайтириш, аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини узлуксиз ошириш тизимини жорий қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг «коррупциядан холи қонунчилик» тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш масалалар кўзда тутилганлиги инсон қадрини улуғловчи халқпарвар давлат барпо этишда коррупцияга қарши курашишнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини намоён этади.

Барчамизга маълумки, коррупция тарихан ўзгарувчан, салбий ижтимоий ва мураккаб бир ҳодиса сифатида инсоният тараққиётининг илк босқичларидан вужудга келган. Коррупция тушунчаси илмий назарияда ҳам оддий халқ орасида ҳам кўп ҳолларда бирон бир лавозимга ишлаётган мансабдор шахснинг мулкӣ кўринишдаги наф олишга қаратилган порахўрлик сифатида тушунилади. Бирок,

замон ривожланиши билан бугунги кунда коррупциявий жиноятларга фақатгина порахўрлик жиноятлари эмас бошқа турдаги коррупцион элементлари мавжуд бўлган бошқа жиноятларни ҳам киритишимиз мумкин. Коррупцияга оид жиноятлар учун жиноий жавобгарлик Жиноят кодексининг ягона бобида кўрсатиб ўтилмаган бўлиб, улар қуйидагилар: ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “г” банди (айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани мансаб мавқеини сууистеъмол қилиш йўли билан ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш), ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “в” банди (алдаш ёки ишончни сууистеъмол қилиш йўли билан хизмат мавқеидан фойдаланиб, ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш), ЖК 192⁹-модда (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш), ЖК 192¹⁰-модда (Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), ЖК 192¹¹-модда (Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини сууистеъмол қилиш), ЖК 205-модда (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини сууистеъмол қилиш), ЖК 206-модда (Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш), ЖК 207-модда (Мансабга совуққонлик билан қараш), ЖК 208-модда (Ҳокимият ҳаракатсизлиги), ЖК 209-модда (Мансаб сохтакорлиги), ЖК 210-модда (Пора олиш), ЖК 211-модда (Пора бериш), ЖК 212-модда (Пора олиш-беришда воситачилик қилиш), ЖК 213-модда (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), ЖК 214-модда (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши), ЖК 243-модда (Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш), ЖК 301-модда (Ҳокимиятни сууистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги). Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 14-моддасида, ушбу Кодекс билан

тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилиши, 16-моддасида, ушбу Кодексида назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши кўрсатиб ўтилган бўлиб, шахснинг ҳаракатларини коррупцияга оид юқоридаги ЖК моддалари билан тавсифлаш учун унинг қилмишига тўғри ҳуқуқий баҳо бериш лозим.

Бунинг учун унинг ҳаракатлари ижтимоий хавфли эканлиги, Жиноят кодекси билан тақиқланганлиги, жазога сазоворлиги ва жиноят таркибининг барча аломатлари мавжудлиги, жиноятнинг объекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томонлари аниқланиши лозим бўлади.

Коррупцияга оид жиноятлар бўйича жиноий ҳуқуқий муносабат шахс томонидан ушбу тоифадаги жиноятлардан бирининг содир этилиши билан юзага келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида коррупция билан боғлиқ жиноятлар учун турли хил жиноий жазолар белгиланган. Хусусан, пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш тегишли ҳолатлар мавжуд бўлганида, энг кўпи 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, давлатимиз мақсади, коррупцияга батамом барҳам беришга қаратилган. Зеро, коррупциявий қилмишларнинг ҳар қандай тури жамият ва инсоният учун ўта хавфлидир.